

# ЯНГИ

# ЎЗБЕКИСТОН

Ижтимоий-сиёсий газета

№ 11 (1610), 2026 йил 17 январь, шанба

www.yuz.uz yuz.uznews yuz\_official yuz.uz\_news yuz.uz\_news



## НАТИЖАГА ЙЎНАЛТИРИЛГАН ДИПЛОМАТИЯ ЎЗБЕКИСТОН ТАШҚИ АЛОҚАЛАРИНИНГ ИЖОБИЙ ТАЖРИБАСИ

Дунёда геосиёсий рақобат сўнгги йилларда тобора кескинлашиб, савдо йўналишлари, транспорт-логистика занжирлари ва хавфсизлик архитектураси тез ўзгармоқда. Мана шундай мураккаб шароитда Ўзбекистон ташқи сиёсатда фаолликни ошириб, амалий натижага йўналтирилган дипломатия моделини изчил шакллантирмоқда. Бу жараён 15 январь куни Президентимиз Шавкат Мирзиёев раислигида Ташқи ишлар вазирлиги ҳамда хоризждаги дипломатик ваколатхоналар фаолиятига бағишланган йиғилишда янада аниқ вазифа ва мезонлар билан мустаҳкамланди.

Ижобий тенденцияларнинг энг кўза кўринадиган жиҳати — ташқи алоқалар инфратузилмасининг кенгайишидир. 2017 йилдан буён хоризда янги дипломатик ва консуллик ваколатхоналари очилиб, уларнинг сони 60 тага, дипломатик алоқа ўрнатилган давлатлар сони эса 165 тага етгани қайд этилди. Бу, аввало, Ўзбекистоннинг турли минтақаларда доимий мулоқот каналларини кучайтираётга-

ни ва ҳамкорликни тизимли йўлга қўяётганини англатади. Бундай тармоқнинг кенгайиши ташқи сиёсатни “бир марталик ташрифлар дипломатияси”дан чиқариб, савдо, инвестиция, технология, таълим, туризм ва миграция каби йўналишларда узлуксиз ишлайдиган амалий механизмга айлантиради.

▶ Давоми 2-бетда

## Президент қарорлари — ҳаётда ва назоратда

Сув — улғу неъмат, тириклик манбаи. Халқимиз азалдан сувни эъзозлаб келган, ҳар бир томчисини ҳатто тиллога тенглаган. “Сув — бебаҳо бойлик”, “Сув — зар, сувчи — заргар”, “Сув келтирган элда азиз” каби мақоллар бунинг тасдиғидир.

## ҚАТЪИЙ ТАРТИБ ВА ИНТИЗОМ — МУВАФФАҚИЯТ ГАРОВИ



Амударё ва Сирдарё ҳавзасида жойлашган мамлакатимизда сувчиларнинг машаққатли хизмати эвазига далааларга обихаёт етказиб берилиб, экинлардан мўл ҳосил олинмоқда. Бозорларимиз йилнинг гўрт фаслида ҳам тўкин, дастурхонларимиз ноз-неъматларга тўла, турмушимиз йилдан йилга фаровонлашиб бормоқда.

Президентимиз ташаббуси билан сув хўжалиги соҳасини комплекс ривожлантириш, сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш, жумладан, рақамли ва сув тековчи сугориш технологияларини кенг жорий этишга алоҳида эътибор қаратилиб, бу борада улкан натижаларга эришилмоқда.

Сув хўжалиги соҳасида Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Вазирлар Маҳкамасининг ҳужжатлари билан белгиланган прогноз кўрсаткичлар ҳамда индикаторлар ижросини таъминлаш, кўзланган мақсадлар юзасидан натижадорлик ва самардорликка эришиш негизида ўз ишига муҳаббат, ватанпарварлик, фидойилик, садоқат, қатъий интизом, юксак масъулият каби сифатлар турибди.

Соҳада меҳнат қилаётган ишчи-хизматчилар, мироблар, машинист, экскаваторчи ва бульдозерчилар, барча ходимларнинг ҳаёти даражаси ва сифатини ошириш борасидаги ислохотлар натижадорлиги бевосита уларни амалга оширишга қаратилган ҳужжатлар ва қарорларни ижро этиш бўйича интизомнинг қатъийлигига боғлиқ.

▶ Давоми 3-бетда

## Бунёдкорлик

## Кўп қаватли уйлар қурилишида ўсиш катта

Уларга хизмат кўрсатиш

Дунёнинг энг тез тараққий этган мамлакатларидан бири — Сингапурда “олтин гўртлик қондаси” ижтимоий модели, анъанаси мавжуд. Унга кўра, инсон бахтли бўлиши учун битта уй, битта машина, битта иш, битта оиланинг ўзи kifoya. Айнан “олтин гўртлик қондаси” расмий қонун ҳужжати сифатида мавжуд бўлмаса-да, инсонларни айна шу давлат сиёсатига йўналтирадиган, барқарор ва интизомли ҳаёт моделига мослаштиришга хизмат қиладиган бир қатор ҳужжатлар бор. Жумладан, уй-жой билан таъминлаш борасида Housing & Development Board (HDB), “Build-to-Order” (BTO) тизимлари, оилани ҳимоя қилиш Women’s Charter қонунини, машинага эга бўлиш борасида Certificate of Entitlement (COE) тизими жорий этилган.

Аслини олганда, ушбу қонда фақатгина сингапуриликлар эмас, ўзбекистонликлар учун ҳам муҳим аҳамият касб этади. Аксарият юртдошларимиздан “Ўзингни тўла-

қонли бахтли ҳис қилишингиз учун нима керак?” дея сўрасангиз, “Ўз уйим, ўғил-қиз фарзандларим бўлса, яна битта машина олсам. Менга бошқа нарса керак эмас”, дея

жавоб беради одатда. Уларнинг орасида, айниқса, ўз уйига эга бўлиш катта аҳамиятга эга.

▶ Давоми 2-бетда

19 январь – Маҳмудхўжа Бехбудий туғилган кун

СУНЪИЙ АҚЛ:  
ЖАДИД ҚАЛБИДАН ЧИҚҚАН  
ИЛК ҲАЙҚИРИҚ

6

## Бугуннинг гапи

Ахборот технологиялари асрида рақамлаштириш ҳар қачонгидан ҳам долзарб аҳамият касб этмоқда. Рақамли технологиялар жамият ҳаётининг барча соҳаларини қамраб олаётган ҳозирги даврда аёлларнинг рақамли саводхонлиги глобал миқёсда устувор масалага айланди.

## 100 минг хотин-қиз ЗАМОНАВИЙ КАСБГА ТАЙЁРЛАНАДИ

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, Жаҳон Банки ва Халқаро телекоммуникациялар бирлашмаси каби халқаро ташкилотлар аёлларнинг рақамли дунёга тенг ҳуқуқли киришини таъминлашни барқарор ривожланиш мақсадларининг ажралмас қисми сифатида кўрмоқда. Статистик маълумотларга кўра, дунё бўйича 259 миллион аёл интернетдан фойдаланиш имкониятига эга эмас, бу эса уларнинг таълим, бандлик ва рақамли хизматлардан фойдаланишини чеклайди. Уларнинг рақамли саводхонлигини ошириш нафақат гендер тенглигини таъминлайди, балки глобал миқёсда иқтисодий ўсиш, инновациялар ва ижтимоий инклюзивни жадаллаштиришга хизмат қилади. Шу боис, аёлларнинг рақамли кўникмаларга эга бўлиши замонавий жамиятлар учун стратегик устувор йўналишлардан бири ҳисобланади.

▶ Давоми 3-бетда



## Янги Ўзбекистон: инсон ҳуқуқлари — 2025 йил якунлари ва истиқболлар

Мамлакатимизда 2025 йилда юз берган оламшумул янгиланишлару энг муҳим воқеаларнинг туб мазмун-моҳиятига назар солар эканмиз, турли соҳаларда эришилган ютуқлар ҳамда забт этилган марралар шукухидан руҳимиз таскин топиб, дилимиз равшанлашади, тилимизда шукроналик калимаси айланади.

Давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, “Иқтисодийни барқарор ривожлантириш, халқимиз учун муносиб турмуш даражасини таъминлаш, мустаҳкам ҳуқуқий тизим ва очиқ жамият барпо этиш йўлидаги кенг кўламли ислохотларимиз дунё жамоатчилиги томонидан эътироф этилмоқда. Масалан, 2025 йилда Барқарор ривожланиш мақсадлари индексида Ўзбекистон 19 поғона юқори кўтарилиб, Шарқий Европа ва Марказий Осиё минтақасида энг жадал ривожланаётган мамлакат сифатида қайд этилди”.

Замонавий цивилизациянинг устувор мезони

Президентимиз 2025 йил сентябрда Нью-Йоркда бўлиб ўтган БМТ Бош Ассамблеясининг 80-сессиясида нутқ сўзлади. Давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, “Янги Ўзбекистон барча давлатлар билан ўзаро ҳамжиҳатлик, очиқ мулоқот ва яқин шериклик тарафдоридир. Биз халқлар, маданиятлар ва цивилизациялар ўртасидаги мулоқотни мустаҳкамлаш, умумбашарий мақсадларни рўйга чиқариш йўлида ўз ҳиссамизни қўшишга домн тайёрмиз”.

▶ Давоми 4-бетда



# НАТИЖАГА ЙўНАЛТИРИЛГАН ДИПЛОМАТИЯ

## ЎЗБЕКИСТОН ТАШҚИ АЛОҚАЛАРИНИНГ ИЖОБИЙ ТАЖРИБАСИ

### Бошланиши 1-бетда

Йиғилишда давлатимиз раҳбари томонидан муҳим ёндашув қатъий белгилаб берилди: элчи фақат сиёсий мулоқот юритувчи шахс эмас, балки инвестиция ва технологияни жалб этадиган, янги экспорт бозорларини очадиган, логистика йўлакларини ишга соладиган, туристлар оқимини оширадиган ҳамда фуқаролар ҳуқуқини ҳимоя қиладиган давлат вакили сифатида ишлаши керак.

Шу нуқтан назардан, элчилар фаолиятини КРІ асосида баҳолаш тамойили илгари сурилди. Хусусан, элчи ишлаётган давлатдан экспорт тушумлари, туристлар оқими ва қонуний меҳнат миграцияси кўрсаткичлари асосий мезон сифатида белгилашни қайд этилди. Бу механизм, бир томондан, масъулиятни оширади, яъни “Қайси элчихона қайси йўналишда қандай натижа қилди?” деган саволга аниқ жавоб топиб беради. Иккинчи томондан, тармоқлар координациясини кучайтиради, яъни “элчи — вазирлик — ҳудуд — бизнес” занжирини бир мақсад атрофида боғланади.

Шу билан бирга, аниқ инвестиция ёки экспорт лойиҳасини якунига етказган элчиларнинг моддий рағбатлантириш амалиёти жорий этилиши таъкидланди. Бу дипломатияда лойиҳа асосида ишлаш маданиятини кучайтиради.

Сўнгги йиллар ташқи сиёсатининг энг кўринадиган натижаси иқтисодий кўрсаткичларда акс этмоқда. 2025 йилда икки ва кўп томонлама тadbирлар доирасида умумий қиймати 160 миллиард долларлик инвестиция лойиҳалари ва савдо битимлари имзолангани, ташқи савдо айланмаси 80 миллиард доллардан ошгани, экспорт 33,5 миллиард долларга етгани ва хорижий инвестициялар 43 миллиард доллардан ошгани келтирилди.

Бу кўрсаткичлар ташқи сиёсатнинг иқтисодийта бевосита қиймат яратиш қобилиятини ортганини аниқлатади. Эндиликда иқтисодий дипломатия алоҳида йўналиш эмас, балки барқарор тараққиёт ва иқтисодий ҳавфсизликнинг муҳим омилларидан бири сифатида қаралмоқда.

Глобал вазият таъсирида логистика харажатларининг ошиши миллий маҳсулотлар рақобатбардошлигига бевосита таъсир қилмоқда. Европа бозорларига юк ташини харажатлари қарийб икки баравар ошгани қайд этилди. Польша Европа йўналишида муҳим “логистика дарвозаси” сифатида эътироф этилди. Брест чегара пунктида Ўзбекистонлик юк ташувчилар учун алоҳида йўлак очилиши масаласини келишиши вазифаси қўйилди.

Бу ерда муҳим нуқта шундаки, ташқи сиёсат эндиликда фақат шартномалар имзолашни эмас, балки транзит, йўлак, ҳаб ва савдо уйлари орқали экспортнинг реал инфратузилмасини



Одилжон МАМАТКАРИМОВ,  
Олий Мажлис Сенати аъзоси

барпо этишга ўтаётганини кўрсатмоқда. Шу маънода, Президентимиз Руминиянинг Констанца шаҳрида савдо уйини ташкил этиш ва 2026 йилда экспортни икки баравар ошириш бўйича ҳам вазифалар белгилаб берди.

Шунингдек, тўқимачилик каби тармоқларда “мақсадли давлатлар” рўйхати ҳам аниқлаштирилди. 90 миллиард долларлик тўқимачилик маҳсулотларини импорт қиладиган йирик бозорларда ваколатхоналар фаолиятини кучайтириш, 15 та хорижий сорсинг компания ва брендни олиб келиш, 100 та маҳаллий корхонага халқаро стандартларни жорий қилиш вазифалари белгиланди.

Президентимиз томонидан Африка қитъаси янги экспорт йўналиши сифатида алоҳида тилга олинди. Кўп давлатли, катта бозор сифатига эга минтақада савдо-иқтисодий

### Долзарб мавзу

Йиғилишда туризмга ҳам алоҳида эътибор қаратилди. 2025 йилда Ўзбекистонга келган хорижий туристлар сони 11,5 миллиард етгани, туризм экспорти 4,7 миллиард доллар бўлгани таъкидланди, 2030 йилгача туристлар оқимини 20 миллионга етказиш мақсади белгиланди.



ҳамкорликни кучайтириш учун “йўл харитаси” ишлаб чиқиш — экспорт диверсификациясининг стратегик ечими сифатида кўринади. Қайд этиш лозимки, бу масала,

айниқса, аънавий бозорлардаги таваккалчилик ортб бораётган даврда жуда муҳим ҳисобланади.

Эътироф этиш керак, сўнгги йилларда ташқи сиёсат фақат давлат муносабатини эмас, балки фуқаро манфаатини ҳамойи қилиш билан ўлчанадиган босқичга кирди. Йиғилишда хорижда турли рейдлар чоғида фуқаролар ҳуқуқлари бузилиши жамоатчиликда жиддий норозилик уйғотаётгани таъкидланди, элчи ва консуллар ҳар бир ҳолат бўйича малакали юридик ёрдам кўрсатиши шартлини айтилди. Давлатимиз раҳбари томонидан “Кабинет дипломатияси”дан воз кечиб, ватандошлар билан жойларда ишлаш талаби қўйилди.

Қонуний меҳнат миграцияси йўналишида ҳам амалий вазифалар берилди. Хусусан, Швеция, Дания ва Норвегияда ишчи кучига эҳтиёж катта экани, ўқитиш ва сертификатлаш механизмларидан фойдаланиб, ушбу мамлакатлар билан ҳамкорлик дастурини ишлаб чиқиш зарурлиги таъкидланди. Бу ёндашув миграцияга муаммо сифатида эмас, балки тўғри бошқарилса, юқори даромадли иш ўринлари, касбий малака ва тил тайёргарлиги орқали ижтимоий барқарорликка хизмат қилувчи имконият сифатида қарашни аниқлатади.

Йиғилишда туризмга ҳам алоҳида эътибор қаратилди. 2025 йилда Ўзбекистонга келган хорижий туристлар сони 11,5 миллионга

етгани, туризм экспорти 4,7 миллиард доллар бўлгани таъкидланди, 2030 йилгача туристлар оқимини 20 миллионга етказиш мақсади белгиланди.

Бу йўналишда элчиларга Туризм қўмитаси билан янги ёндашув асосида ишлаш, йирик аутсорсинг компанияларни жалб этиш вазифаси қўйилди. Айрим давлатларда элчихоналарда туризм ва маданият бўйича маслаҳатчи лавозимлари жорий этилиши эса мамлакат имижини, маданий тарғибот ва иқтисодий самарани бир нуқтада уйғунлаштиришга хизмат қиладди.

Йиғилишнинг узок муддатли аҳамиятга эга жиҳатларидан бири — Ўзбекистон Республикасининг Ташқи сиёсат фаолияти концепциясини янгилаш ташаббусидир. Янги концепция мамлакатнинг стратегик мақсадлари ва ички ислохотлар мантигини, иқтисодий дипломатия билан бирга хавфсизлик, инвестиция, экспорт, транспорт-логистика, сув ва иқлим каби миллий манфаатларни ўзаро боғлиқ ҳолда акс эттириши зарурлиги таъкидланди.

Таҳлиллар шунини кўрсатадики, сўнгги йилларда Ўзбекистоннинг очик ва прагматик ташқи сиёсати ҳамкорлик географиясини кенгайтирди, иқтисодий самардорликни оширди ва ташқи дипломатияни ҳаётини натижалар билан боғлаш йўлида муҳим қадамларни тасминлади. Энди асосий вазифа — мавжуд ютуқларни институционал натижа тизимига айлантиришдир. Ишонимли, КРІ асосида баҳолаш, лойиҳага боғланган рағбат, логистика ва экспортда аниқ “ҳудудий — тармоқ — элчихона” координацияси, фуқаролар ҳуқуқи ва қонуний миграцияга эътибор, туризм ва имиж сиёсати — буларнинг барчаси ташқи сиёсатни реал иқтисодий ва ижтимоий самарга боғлайдиган янги моделнинг ус-тунлари бўлади. Бу эса Ўзбекистоннинг ташқи сиёсатини миллий манфаатларни халқаро майдонда қатъий ва амалий ҳимоя қиладиган замонавий дипломатия мактаби сифатида янада мустаҳкамлашга хизмат қиладди.

### Бунёдкорлик

### Бошланиши 1-бетда

Шу боис, мамлакатимизда тўққиз йил олдин бошланган орта қайтмас ислохотлардан бири айнан шу — уй-жой қуриш, уни сотиш ва сотиб олиш тизимини ўзгартириш бўлди. Кенг кўламли бунёдкорлик ишлари олиб борилиб, замонавий кўп қаватли уйлардан иборат, ўзига хос инфратузилмасига эга “Янги Ўзбекистон” массивлари бунёд этилди. Утган давр мобайнида бу тармоқ такомиллашиб борди, йил сайин бунёдкорлик шиддати кучайса кучайдики, камаймади.

Президентимиз Олий Мажлис ва Ўзбекистон халқига йўллаган Мурожаатномасида бу борадаги ишлар 2026 йил янги босқичга кўтарилганини таъкидлади. Жумладан, ўтган йилда аҳолига 8 миллион 100 минг квадрат метрлик, 135 минг хонадондан иборат кўп қаватли уйлар топширилди. Умуман, сўнгги тўққиз йилда 210 миллион квадрат метрлик турар ва нотурар жой объектлари фойдаланишга топширилди. Бу кўрсаткичлар янада кўтарилгани назарда тутилган.

Аҳоли эҳтиёжидан келиб чиққан ҳолда, кўп қаватли турар жойлар кўпайгани яхши, ammo кўп квартиралли уйлари бошқариш соҳасини ҳам шунга мос такомиллаштириш, фаолиятини янада жадаллаштириш зарур.

Президентимиз шу йил 14 январь кунини кўп квартиралли уй-жой фондини бошқариш тизимини такомиллаштириш ва аҳолига сифатли хизмат кўрсатишни таъминлашга қаратилган тақдирлар тақдироти билан танишди. Йиғилишда соҳадаги муаммолар ва уларнинг оқилона ечими тўғрисида сўз борди.

Бугунги кунда мамлакатимизда 44 мингдан зиёд кўп квартиралли уйда 7,1 миллион аҳоли истиқомат қиладди. Уларга 900 дан ортик бошқарув сервис компаниялари ва 200 дан ортик ширкатлар хизмат қиладди. Шунингдек, 856 та уйда ўзини ўзи бошқариш тизими жорий этилган. Бошқарув сервис компаниялари фаолияти барқарорлиги ва самардорлигини таъминлашда хизматлар сифатини ошириш, қўшимча сервис турларини жорий этиш долзарб аҳамиятга эга.

Қайд этилганидек, бошқарув компанияларининг аксарияти мажбурий бадал ҳисобидан фаолият юритмоқда, уларнинг фаолиятига инвестиция киритишга тайёр тadbиркорлар

## КўП ҚАВАТЛИ УЙЛАР ҚУРИЛИШИДА ЎСИШ КАТТА УЛАРГА ХИЗМАТ КўРСАТИШ СИФАТИ-ЧИ?



кам. Шунингдек, экспертларнинг дастлабки ҳисоб-китобларига кўра, йирик шаҳар ва вилоят марказларида бошқарув сервис компанияларининг яширин даромадлари расмий тушумлардан камида икки баробар кўп.

Буларнинг барчаси соҳага даромад келтирадиган янги модель ишлаб чиқиш зарурлигини исботлаб турибди. Шунингдек, тармоқни рақамлаштириш, сунъий интеллектдан фойдаланиш самардорлигини орттириш ҳам бугунги давр талаби. Шу муносабат билан 2026 йил 1 июлдан 2030 йил 1 январьга қадар Тошкент шаҳрида кўп квартиралли

уй-жойларни бошқаришнинг кластер тизимини ҳуқуқий экспертмент сифатида жорий этиш тақдир қилинди.

Унга кўра, уйлар ҳолати таҳлил қилиниб, “яшил”, “сарик” ва “қизил” тоифаларга ажратилади, камида 7 минг хонадондан иборат лотлар шакллантирилади ҳамда 5 йиллик ривожлантириш дастурлари ишлаб чиқилади. Лотлар ва мастер-режалар туман кенгашлари томонидан тасдиқланади, бошқарувчи ташкилотлар эса “Менинг уйим” тизими орқали мулкдорлар томонидан овоз бериш йўли билан танланади.

Бу, ўз навбатида, аҳоли вакилларининг уйларига хизмат кўрсатиш компаниялари фаолиятини онлайн қузатиб бориши ва уларнинг самардор фаолиятига кўра овоз бериш орқали танлай олиши имконини беради. Натижада эса компаниялар ўртасидаги рақобат янада кучаяди.

Компаниялар учун талабларнинг оширилиши кўп қаватли уйларга хизмат кўрсатишда профессионаллиқни талаб қиладди. Хусусан, бундай компаниялар камида ўз маблагини, моддий-техник базаси, 24/7 диспетчерлик хизматига эга бўлиши шарт.

Фақатгина талаб эмас, бундай ташкилотларга рағбат ва қўшимча даромад топиши учун имконият ҳам берилмоқда. Жумладан, ҳудудда ташкилотларга маиший хизмат марказларини ташкил этиш, енгил конструкцияли курилмаларни барпо этиш ва улардан узок муддатли фойдаланиш имкониятлари яратилиши кўзда тутилган.

Йиғилишда яна бир масала — соҳани рақамлаштириш ва сунъий интеллект технологияларини жорий этишга алоҳида эътибор қаратилди. Аввало, бошқарув сервис компанияларининг диспетчерлик хизматларида сунъий интеллект асосида ишлайдиган тизимлар жорий қилиниши, мурожаатлар билан ишлаш ва хизмат кўрсатиш тезлиги оширилиши кераклиги қайд этилди.

Соҳадаги ушбу янгилашни ва ислохотлар назоратини олиб бориш тизими такомиллаштирилиши ҳам кўзда тутилган. Жумладан, фаолиятида шаффофликни таъминламаган компаниялар фаолияти вақтинча ёки бутунлай тўхтатилади. Агар ҳар чорак юқини



бўйича “Менинг уйим” тизимига ҳисобот маълумотлари киритилмаса, кейинги ойлар учун мажбурий бадалларни ҳисоблаш маълумотлар киритилгунга қадар вақтинча тўхтатилади ва орқага қайта ҳисоб-китоб қилинмайди. Мажбурий бадаллар ҳамда бошқарувчи ташкилотларнинг хизматлардан тушадиган барча қўшимча даромадлари фақат “Менинг уйим” биллинг тизими орқали ҳисобга олинади. Ушбу тартибга риоя этмасдан бадаллар ҳисобини юритиш бухгалтерия ҳисоби ва ҳисобот талабларини бузиш ҳисобланади.

Умумий мол-мулкни ижарага ёки текин фойдаланишга бериш бўйича шартномалар солиқ органларида мажбурий тарзда ҳисобга қўйилади. Белгиланган тартиб бузилган тақдирда бошқарувчи ташкилот электрон реестрдан



чиқариб ташланади. “Менинг уйим” ахборот тизими орқали умумий йиғилишни ташаббус қилиш, муҳокама ўтказиш, қарор қабул қилиш, шартнома тузиш, ҳисобот тақдим этиш ҳамда мурожаатларни юбориш ва кўриб чиқиш имкониятлари тўлиқ йўлга қўйилади.

Кўп квартиралли уйни фойдаланишга қабул қилишда кадастр паспорти расмийлаштирилиб, у “Турар жой” тизимида автоматик акс этиши, ўрнатилган куёш панеллари эса умумий мол-мулк сифатида бошқариш органига топширилиши шарт этиб белгилади. Ушбу талаблар бажарилмаган тақдирда уй фойдаланишга қабул қилинмайди.

2026-2030 йилларда соҳадаги институционал ислохотларни давом эттириб, ҳокимликлар ҳузурда уй-жой коммунал соҳасини назорат қилувчи ҳудудий инспекциялар ташкил этиш, уларнинг бюджетдан ташқари жамғармаларини шакллантириш, ҳокимнинг уй-жой коммунал хўжалиги бўйича ўрнбосари лавозимини жорий этилиши режалаштирилмоқда.

Албатта, бу ўзгаришлар маҳаллаларимизнинг янада обод бўлиши, аҳоли яшаш шароити яхшиланиши, атроф-муҳит кўкаламзорлаштирилиб, янада чирой очили йўлида хизмат қилиши бор гап. Айниқса, аҳоли фаровонлигини ошириш, одамларни рози қилишда муҳим аҳамият касб этиши шубҳасиз.


Санжар ЭШМУРОДОВ,  
“Янги Ўзбекистон” мухбири





Президент қарорлари — ҳаётда ва назоратда

ҚАТЪИЙ ТАРТИБ ВА ИНТИЗОМ — МУВАФФАҚИЯТ ГАРОВИ



Шавкат ҲАМРОЕВ, сув ҳўжалиги вазири

Бошланиши 1-бетда

Давлатимиз раҳбари ижро интизоми йўналишида мустаҳкам тизим яратиш, тартиб ўрнатиш, темир интизомни жойига қўйиш, раҳбарлар ва ходимларнинг дунёқарашини ўзгартиришни асосий вазифа сифатида белгилаб берган. Шу мақсадда вазирлик марказий аппаратида ҳамда унинг тасаруфидидаги республика ва тизим ташкилотларида ижро интизомига риоя этилиши, Ўзбекистон Республикаси Президенти, Президент Администрацияси раҳбари ва Вазирлар Маҳкамасининг топшириқлари ижросини белгиланган муддатларда, тўлақонли ва сифатли таъминлаш, қатъий тартиб, интизом ва тизимли назорат ўрнатиш мақсадида вазирликда республика штаби ташкил этилган.

маслаҳатчиси ҳузурда мунтазам равишда танқидий руҳда муҳокама қилиниб, унинг ижросини белгиланган муддатларда, тўлақонли ва сифатли таъминлаш бўйича зарур чоралар кўриб боришмоқда.

Вазирликка юклатилган топшириқлар ижроси юзасидан ҳар ойда календарь-режа ҳамда "йўл хариталари" ишлаб чиқилиб, ижро учун барча даражадаги раҳбар ва масъул ходимларга етказилмоқда. Шу билан бирга, Ўзбекистон Республикаси Президенти, Президент Администрацияси раҳбари ва Вазирлар Маҳкамасининг топшириқлари ижросини белгиланган муддатларда, тўлақонли ва сифатли таъминлаш, қатъий тартиб, интизом ва тизимли назорат ўрнатиш мақсадида вазирликда республика штаби ташкил этилган.

Республика штабининг йиғилиши ҳафтасига камда икки маротаба ZOOM платформаси орқали видеоконференцалоқа шаклида ўтказилиб, унда вазирнинг барча ўринбосарлари, вазирлик марказий аппаратининг бошқарма ва мустақил бўлим бошлиқлари, вазирлик тасаруфидидаги республика ва тизим ташкилотлари раҳбарлари иштирок этмоқда.

Бундан ташқари, ижро интизоми янада мустаҳкамлаш мақсадида ҳар ойда бир маротаба ZOOM платформаси орқали



видеоконференцалоқа шаклидаги ўқув-амалий семинарлар ташкил этилиб, вазирликнинг тизим ташкилотларида ижро интизомига масъул тарқиб бўлими раҳбарлари ҳамда мутахассисларнинг билими ва кўникмаси оширилмоқда.

Топшириқлар ижросини назорат қилишни энг муҳим воситаси жамоатчилик иштироки ва тартиб-интизомдир. Шу боис, вазирлик ҳузурдаги жамоатчилик кенгаши томонидан "жамоатчилик эшитиш", "жамоатчилик мониторинги" тизими жорий қилиниб, бу жараёнга фуқаролик жамияти институтлари, оммавий ахборот воситалари ва фуқаролар фаол жалб этилмоқда.

2025 йилда вазирлик томонидан жамин 2658 та (Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2058 та, Президент Администрацияси раҳбарининг 88 та, Вазирлар Маҳкамасининг 512 та) топшириқ ижроси тўлиқ таъминланган.

Ижро интизоми соҳасида фаолиятимиз давомидида чиқарган асосий хулосамиз шуки, ижро интизоми янги Ўзбекистондаги кенг қамровли ислохотларнинг талаби, бугунги ўзгаришларнинг асосидир. Шу боис, сув ҳўжалиги соҳасига оид топшириқлар ижросини таъминлашда барча даражадаги раҳбар ва мутахассисларнинг билими ва кўникмасини, тартиб-интизомга қатъий риоя этган ҳолда шахсий масъулиятини доимий ошириб бориш устувор вазифа.

Вазирлар Маҳкамасининг 2025 йил 28 апрелдаги тегишли қарори билан тасдиқланган сув ҳўжалиги вазири ва ўринбосарларининг 2025 йилга белгиланган фаолияти самарадорлиги ҳамда мақсади кўрсаткич-

ларга эришилишини таъминлаш борасида муайян ишлар қилинди. Хусусан, сув ҳўжалиги вазири ва ўринбосарларининг 2025 йил учун белгиланган мақсади кўрсаткичлари кўйиб, ўрта ва юқори бўғинлар кесимида таҳлил қилиниб, ҳар чорак якуни бўйича вазирликнинг ҳаётда йиғилишларида муҳокама қилинди. Натижада сув ресурсларини бошқариш соҳасида қатор самарадорликка эришилди. Жумладан:

— кишлоқ ҳўжалиги маҳсулотларини еттиштириш учун республика бўйича 40,2 миллиард куб метр сув етказиб берилди;

— ирригация тармоқлари ҳамда насос станциялари ва сўғориш қўдўқларини давлат-хусусий шериклик тамойиллари асосида тадбиркорлик субъектларига фойдаланишга бериш бўйича 1397 та лойиҳа амалга оширилди;

— инвестиция дастури доирасида 121,5 миллион долларлик хорижий инвестиция ўзлаштирилди;

— давлат бюджетидан ажратилган 1227 миллиард сўм ҳисобидан 500 километр ирригация тармоқларини қуриш ва реконструкция қилиш ишлари бажарилди;

— 148,4 километр узунликдаги сўғориш тармоқлари тозаланди ҳамда 294 та гидро-техника иншооти, 651 та гидропост ва 25,4 километр канал дамбаси таъмирланди;

— тизимдаги ташкилотлар ҳисобидида 6094 та гидропост наспорти расмийлаштирилди, 704 та сув ўлчаш воситаси (вертушка) тарировка ва қўйслаш кўригидан ҳамда 1345 та гидропост аттестациядан ўтказилди.

Бундан ташқари, кишлоқ ҳўжалиги экин майдонларининг 679 минг гектарида сувни тежайдиган технологиялар жорий қилинди.

Пакта хомашёсини етиштиришда томчилатиб сўғориш технологиясини қўллаган кишлоқ ҳўжалиги маҳсулотлари етиштирувчиларга 290 миллиард сўм субсидия ажратилди.

Сув ҳўжалиги объектлари фойдаланувидидаги 90 минг гектар ер давлат рўйхатидан ўтказилди. Вазирлик тизимидаги насос станцияларида 150 та эскирган насос агрегати янгисига алмаштирилди. Шунингдек, сув ҳўжалиги иншоотларида реал вақт режимида сувни назорат қилиш ва ҳисобини юритиш имконини берувчи 2602 та "ақлли" сув қурilmаси ўрнатилди.

Бундан ташқари, 12 та сув ҳўжалиги объекти автоматлаштирилган бошқарувага ўтказилиб, умумий рақамлаштирилганлик даражаси 73 фоизга етказилди. Сув оромлари ва бошқа йирик сув ҳўжалиги иншоотларида 7 та назорат-ўлчаш ускунаси ҳамда хабар бериш тизимларини модернизация қилиш, тиклаш ва янгилаш ишлари бажарилди.

Соҳага оид 36 та илмий тадқиқот, тажриба-конструкторлик иши амалга оширилди, илмий асосланган услубий қўлланма ва тавсиялар ишлаб чиқилди ҳамда дала шароитида сувни ўлчаш бўйича 35 та ўқув-семинар ташкил этилди.

Сув ресурсларини бошқариш, ҳисобини юритиш, гидротехника иншоотлари ва насос станцияларидан фойдаланиш бўйича сув ҳўжалигининг 2000 нафар ходими малакаси оширилди. Сув ресурсларини самарали бошқариш, сувни тежайдиган ва рақамли технологияларни жорий қилиш, ирригация тадбирларини амалга ошириш, ерни лазерли текислаш, агротехника тадбирларини ўтказиш ҳисобидан йиллик 10 миллиард куб метр сув тежалишига эришилди.



Бугуннинг гапи

100 МИНГ ХОТИН-ҚИЗ ЗАМОНАВИЙ КАСБГА ТАЙЁРЛАНАДИ



Расулбек ҲОЖИЕВ, Оила ва гендер илмий-тадқиқот институти катта илмий ходими

Бошланиши 1-бетда

Хусусан, Президентимиз Олий Мажлис ва Ўзбекистон халқига йўллаган Мурожаатномасида "Ўзбекистон — 2030" стратегиясини қайта кўриб чиқиш, юртимизнинг келгуси беш йиллик тараққиётига дахлдор бўлган ушбу ҳужжат кенг жамоатчилик муҳокама-сидан ўтказилиб, аҳолиимизнинг фикр-мулоҳазалари асосида такомиллаштирилиши лозимлиги хусусида алоҳида таъкидланди. Шу муносабат билан "Ўзбекистон — 2030" стратегиясининг 25 мақсадида "Ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланишга жалб этилган хотин-қизлар сонини ҳар йили 100 минг (ҳали 500 минг) нафарга ошириш" вазифаси белгиланаётгани ўзбек аёлларининг рақамли саводхонлигини ошириш борасида ташланаётган улкан

қадамлардан бўлди, десак адашмаган бўламиз. Зеро, амалдаги "Ўзбекистон — 2030" стратегияси ушбу кўрсаткични ўз ичига қамраб олган эди.

Мазкур индикаторнинг янгиланаётган стратегия лойиҳасида акс этиши жамиятда аёлларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, иқтисодийнинг янги, замонавий тармоқларидаги ўрнини янада оширишни назарда тутди. Фикримизча, янгиланаётган стратегияга биноан рақамли маконда аёлларнинг ролини ошириш орқали мамлакатимизни янада тараққиш эттиришимиз мумкин. Хусусан, биринчидан, рақамли иқтисодиёт шароитида хотин-қизларнинг ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиш даражасини ошириш уларнинг меҳнат бозоридида рақобатбардошлигини кучайтирди.


Иккинчидан, хотин-қизларнинг рақамли саводхонлиги уларни масофавий бандлик, тадбиркорлик ва инновацион фаолиятга кенг жалб этиш имконини беради.

Учинчидан, ижтимоий тенгликни таъминлаш, ахборотга тенг кириш имкониятларини кенгайтириш ҳамда гендер тафовутини қисқартиришда муҳим омил ҳисобланади.

Мамлакатимизда хотин-қизларни АТ соҳасига янада кенроқ жалб қилиш ва уларни ахборот технологиялари бўйича ўқитиш мақсадида бир қатор лойиҳалар амалга оширилмоқда. Булар жумласига "GAP" Women IT Union лойиҳаси доирасида ташкил қилинган аёллар "GAP" АТ-клубини қиритиш мумкин.



Клубнинг вазифаси аёлларни қўллаб-қувватлаш, уларнинг АТ соҳасидаги саводхонлигини ошириш ҳамда мазкур йўналишда ўқитиш ва ишга жойлаштириш имкониятини яратишдан иборат. Мақсад эса АТ соҳасида аёллар танқислиги муаммосини ҳал қилиш, АТ касб-



ларини аёллар ва ёш қизлар учун очиқ ва қизиқарли қилиш, шу орқали мазкур соҳадаги гендер тафовутини камайтиришдан иборат. Шунингдек, "IT Women Uz" лойиҳаси хотин-қизларнинг ахборот технологиялари соҳасидаги фаоллиги, электрон тадбиркорлик ва компьютер саводхонлигини оширишга қаратилган.

Лойиҳа доирасида ижтимоий дафтарларга киритилган ва кам таъминланган оилалардаги 12 ёшдан 35 ёшга хотин-қизлар учун компьютер саводхонлиги ва тадбиркорлик йўналиши бўйича ўқув курслари



ташкил этилади, ўқув курсларни муваффақиятли якунлаган хотин-қизларга сертификатлар берилади.

Бундан ташқари, Ўзбекистонда аёлларнинг технология билан ишлашда рағбатлантириш бўйича "Women in Tech" (WIT) халқаро тармоғи ишга туширилган. Тармоқ ҳар йили халқаро муқофотлар ва саммитларни ташкил қилади. WIT аёллар ҳамжамияти барча хотин-қизлар учун очиқ, унда иштирок этиш беғул.

Бугунги кунда хотин-қизлар блогерлик мақоми остида ижтимоий тармоқларга турли мавзудаги ахборотларни жойлаштирмоқда.

"Камбағалликдан фаровонлик сари" дастури доирасида 886 та объект бўйича умумий қиймати 1,2 триллион сўм бўлган 1850 километр сугориш тармоғи бетонлаштирилди, 202,1 километр лоток тармоғи, 385,2 километр қувур, 840 та сўғориш қўдўғи қурилди ҳамда 436 та насос агрегати ўрнатилди. Натижада 494,3 мингта хонадонда истиқомат қиладиган аҳолининг 321 минг гектар томорқа майдонида сув таъминоти ахширланди.

Давлатимиз раҳбари 2025 йил 23 сентябрь кунин Нью-Йоркда бўлиб ўтган БМТ Бош Ассамблеясининг 80-йўбилей ёлтиришида сув ресурслари тақчиллиги муаммосига тўхталар экан, Ўзбекистонда Сувни тежайш бўйича бутунжаҳон форумини ўтказиш режалаштирилгани, мазкур анжуман якунлари бўйича Сув инқирозини барқарор тараққиёт учун жиддий таҳдид сифатида белгилаш ва бу борада глобал даражада инновацион технологияларни жорий этиш учун алоҳида "йўл харитаси"ни қабул қилиш лозимлигини таъкидлади.

Бугун республикамиз бўйича 2,6 миллион гектар майдонда сув тежовчи технологиялар жорий қилиниб, уларнинг умумий кўрсаткичи сўғориладиган ер майдонларига нисбатан қарий 60 фоизга етказилди.

Ўтган йили Ўзбекистон Республикаси Сув кодекси қабул қилинди. Кодекс билан сув муносабатлари соҳасида мамлакатимиздаги асосий ҳуқуқий ҳужжатлар тизимлаштирилди. "Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида"ги қонун, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 8 та фармони ва 14 та қарори ҳамда ҳукуматнинг 26 та қароридида нормалар бирлаштирилди.

Янги кодекс сув, сув объектлари, сув ҳўжалиги объектлари ва сув фонди ерларидан оқилона фойдаланиш ҳамда уларни муҳофаза қилиш соҳасидаги муносабатларни тартибга солади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузурдаги Давлат сиёсати ва бошқаруви академияси ҳамда Стратегик ислохотлар агентлиги билан ҳамкорликда вазирлик марказий аппарати, вазирлик тасаруфидидаги республика ташкилотлари, ўрта ва кўйин бўғин тизим ташкилотлари раҳбарлари ҳамда барча мутахассислари иштирокида Сув ҳўжалиги вазириликнинг ZOOM платформаси орқали видеоконференцалоқа шаклида иқтисодий ўқув ўтказилиб, давлатимиз раҳбарининг Олий Мажлис ва Ўзбекистон халқига Мурожаатномасидан келиб чиқиб, вазирлик томонидан амалга ошириладиган вазифалар ижросини таъминлаш юзасидан барча даражадаги раҳбар-ҳодимларнинг шахсий масъулияти ва жаобгарлиги белгиланди.

Мурожаатномада бешинчи устувор йўналиши сифатида белгиланган экологик мувозанатни таъминлаш, "яшил" энергетика ва сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш борасида давлатимиз раҳбари билдирган тақдирлар асосида "Ўзбекистон — 2030" стратегияси билан вазирликка 4 та асосий йўналиш: сувдан оқилона фойдаланиш маданиятини ва сув ишлашти самарадорлигини ошириш, кишлоқ ҳўжалиги соҳасида сув ресурсларидан оқилона фойдаланишни таъминлаш, ирригация тизими ва сув тежовчи технологияларни ривожлантириш, соҳа бошқарувида хусусий сектор ва давлат-хусусий шериклик механизмларини ҳамда "яшил" энергия технологияларини кенг жорий қилиш доирасида насос станцияларининг электр энергияси истеъмолини камайтириш бўйича юклатилган вазифалар қайтадан кўриб чиқилиб, янги марралар белгиланди.

Халқимиз фаровонлиги йўлида хизмат қилишни ўзининг эзгу амали ва касбий бурчи деб билган сув ҳўжалиги ходимлари учун ижро интизоми — иш самарадорлигини таъминловчи энг муҳим ҳамада асосий фаолият мезонларидан бири. Шу боис, соҳа ходимлари давлатимиз раҳбари, Президент Администрацияси ва Вазирлар Маҳкамасининг ҳужжатлари билан вазирликка юклатилган топшириқлар ижросини белгиланган муддатларда, тўлақонли ва сифатли таъминлаш бўйича садоқат, фидойилик, қатъият ва талабчанлик асосида ишларини давом эттирмоқда.

Ушбу ахборотларни ижтимоий тармоқ фойдаланувчиларга узатиш жараёнида улар томонидан интернет орқали таъкиб ва таъкиб қилиш ҳолатлари учрамоқда. Бу, айниқса, ахборотлар изоҳларида кўринаётди. Изоҳларда номаълум ижтимоий тармоқ фойдаланувчилари турли ҳақоратли сўзлар ва тухмат гаплар ёзиш орқали хотин-қизларга рўҳий-психологик босим ўтказмоқда.

Ушбу ҳолатга асосий сабаб хотин-қизларнинг блогерлик фаолияти билан шуғулланишида ахборот тури ва шаклини танлашда миллий қадрият ва аънаналарга мос келмайдиган, аҳолининг маънавий қарашларини таҳқирловчи воситалардан фойдаланиш ҳолатларининг кўплигидир.

Шуларни инобатга олган ҳолда, мамлакатимизда хотин-қизларнинг ахборот-коммуникация технологияларидан самарали фойдаланишини янада ошириш, чекка ҳудудлардаги хотин-қизларнинг ҳам ахборот технологияларидан фаол фойдаланишга жалб қилиш масаласига катта аҳамият қаратилаётгани жамиятимизнинг нафақат ижтимоий тараққиётида, балки барча соҳалар ривожланишида муҳим аҳамият касб этади. Шу билан бирга, виртуал макондаги хатарлар ва ахборот маданияти билан боғлиқ муаммоларни инобатга олган ҳолда, давлат сиёсати доирасида хотин-қизларнинг АКТдан хавфсиз, самарали ва масъулиятли фойдаланишини таъминлаш долзарб вазифа бўлиб қолмоқда.

Умуман олганда, янги Ўзбекистонда хотин-қизларнинг ахборот-коммуникация технологияларидан фаол фойдаланишини ривожлантириш масаласи глобал тенденциялар ва миллий тараққиёт устувор йўналишлари билан тўлиқ уйғунлашади. БМТ ва бошқа халқаро институтлар томонидан илгари сурилган рақамли инклюзия тамойиллари мамлакатимизда ҳам изчил амалга оширилмоқда. Шу нуқтага назардан, янгиланаётган "Ўзбекистон — 2030" стратегиясида хотин-қизларни АКТдан фаол фойдаланишга жалб этиш бўйича йиллик аниқ кўрсаткичнинг белгиланиши стратегиянинг амалии ва натижага йўналтирилгани билан алоҳида аҳамият касб этади.

Таҳлил

Янги Ўзбекистон: инсон ҳуқуқлари — 2025 йил яқунлари ва истиқболлар



Акмал САИДОВ, Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази директори, академик

Бошланиши 1-бетда

Конституциявий ватанпарварликни шакллантириш омили

лойиҳаси ишлаб чиқилди. Ушбу иккинчи Миллий стратегия лойиҳасини тайёрлашда илгор халқроқ тажриба, Ўзбекистон Республикасининг инсон ҳуқуқлари соҳасидаги халқроқ мажбуриятлари, шунингдек, ўтган давр мобайнида шаклланган миллий амалиёт инобатга олинди. Хужжатда Ўзбекистоннинг миллий маърузаларини кўриб чиқиш доирасида тақдим этилган БМТнинг инсон ҳуқуқлари бўйича органлари тавсиялари ҳам ўз аксини топди.

Инсон ҳуқуқлари соҳасидаги Жаҳон таълим дастури ва Миллий таълим дастурига амалга ошириш доирасида инсон ҳуқуқлари маданиятини шакллантириш, таълим жараёнининг барча босқичларида инсон ҳуқуқлари бўйича ўқув курсларини жорий этиш бўйича кенг қамровли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Давлат органлари ходимларининг инсон ҳуқуқлари, гендер тенглик ва қийноққа қарши курашиш соҳасидаги билим ва кўникмаларини ошириш бўйича ўқув курслари ўтган йил давомида мунтазам ташкил этилди. Жумладан, Миллий марказ, Бош прокуратура, Ички ишлар вазирлиги томонидан тасдиқланган режа асосида Жиззах (24-25 февраль), Сирдарё (26-27 февраль), Навоий (22-23 май), Тошкент (3-4 июль), Фарғона ва Андижон (15-16 сентябрь) вилоятларида “Қуйноққа солишга қарши курашиш: халқроқ амалиёт ва миллий тажриба” мавзусида онлайн ва офлайн форматда ўқув курслари ташкил этилди.

Олий судда ўтган йил 28 февралда уй-жойга бўлган ҳуқуқни таъминлаш соҳасида суд амалиётини такомиллаштириш, шу жумладан, мажбурий кўчириш билан боғлиқ жиҳатларга бағишланган давра суҳбати гибрид форматда бўлиб ўтди.

Термиз шаҳрида 21-22 апрель ва Фарғона шаҳрида 24-25 апрель кунлари Ички ишлар вазирлиги ҳузуридаги Жаҳон ижро этиш департаменти тиббиёт ходимлари ва Республика суд-тиббий экспертиза илмий-амалий маркази суд-тиббий экспертлари учун “Истанбул протоколига мувофиқ қийноқлар ва шафқатсиз муомалаларни суд-тиббий ҳужжатлаштириш” мавзусида икки кунлик тренинг ўтказилди.

Тошкент шаҳрида 2025 йил 29 апрелдан 2 майга “Инсон ҳуқуқлари ривожида инсон ҳуқуқлари бўйича маърузачиларнинг таъминлаш соҳасида фаолият юритиб келинган давраларни мутахассислари учун ўтказилган маълумотларда асосий эътибор инсон ҳуқуқлари соҳасидаги халқроқ ва миллий нормалар, БМТ механизмлари, ҳисобот бериш жараёналари, таълим ва амалий кўникмаларни мустаҳкамлашга қаратилди.



Инсон ҳуқуқлари масалалари бўйича илмий тадқиқотларни ташкил этиш ва ўқув салоҳиятини ошириш мақсадида Миллий марказ Фавқулодда вазиятлар, Ички ишлар вазирликлари, Хуқуқий муҳофаза қилиш органлари академиялари, Ички ишлар вазирлиги Малака ошириш институти ҳамда Ўзбекистон Нотариал палатаси билан ҳамкорлик меморандумлари имзолади. 2025 йилда айни меморандумлар доирасида фаол ҳамкорликда иш олиб борилди.

Инсон ҳуқуқлари маданиятини ошириш йўлида

Мамлакатимизда инсон ҳуқуқлари соҳасида таълим, ахборот тарқатиш, ҳуқуқий маданиятни ошириш ва халқроқ ҳамкорликни мустаҳкамлашда Миллий марказнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича ахборот-кутубхона маркази — Инсон ҳуқуқлари уйи муҳим платформа вазифасини бажармоқда. Хусусан, Инсон ҳуқуқлари уйида турли мавзуларда 30 дан ортиқ тадбир ўтказилди.

2025 йилда Инсон ҳуқуқлари уйи томонидан қарий 3 минг нахса инсон ҳуқуқлари оид адабиётлар кутубхоналар, турли идора ва ташкилотларга бегараз тақдим этилди. Шунингдек,



Миллий марказ томонидан 10 дан зиёд китоб chop этилди. Миллий марказ фаолиятини тарғиб этишга қаратилган 6 мингта ахборот расмий сайтга жойлаштирилди.

Халқроқ ҳамкорлик самаралари

Ўтган йили мамлакатимиз БМТнинг фуқаро-сизликни бартаф этиш бўйича тавсияларини бажариш борасида тарихий ютуққа эришди. Гап шундаки, 1991 йилдан 2016 йилгача бор-йўғи 482 киши Ўзбекистон фуқаролигини олган бўлса, 2017 йилдан 2025 йилгача 85 мингдан ортиқ киши Ўзбекистон фуқаролигига эга бўлди. Бу мамлакатимиздаги инсонпарвар сиёсат жамиятнинг ҳамма қатламларини қамраб олиш ва инсон қадр-қимматини томо маънода ҳурмат қилишга қаратилган баралла намёнэ етади.

Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгаш ва унинг махсус тартиб-таомиллари билан фаол ҳамкорлик давом этмоқда. Ўзбекистон БМТнинг турли органлари тавсиялари асосида еттига миллий ҳаракат режасини ишлаб чиқди ва амалга оширмоқда. Булар, жумладан, БМТ Хавфсизлик кенгашининг Аёллар, тинчлик ва хавфсизлик тўғрисидаги 1325-сонли резолюциясини амалга ошириш; аёлларга нисбатан камситишларга қарши курашиш; иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлари, ноғиронлиги бўлган шахслар ҳуқуқлари; Инсон ҳуқуқлари бўйича олий комиссар тавсияларини амалга ошириш; терроризмга қарши курашиш ва бола ҳуқуқлари бўйича режалардир.

Цзян Цзяньго Ўзбекистоннинг инсон ҳуқуқлари соҳасидаги эришган тараққийини юқори баҳолар экан, бу борадаги шиддатли ва қамровдор ислохотларни беқиеё янгиланшлар деб таърифлади. Ўзбекистон Республикасининг халқроқ ташаббуслари асосида, хусусан, БМТ Бош Ассамблеясининг 15 та резолюцияси қабул қилингани эътироф этилди.

Бу борадаги натижадор қадамлар, ўз навбатида, мамлакатнинг халқроқ майдондаги обрўси тобора ошиб бораётганини яққол кўрсатмоқда. Айниқса, Хитой Халқ Республикаси ва Ўзбекистон Республикаси ҳамкорлигида ишлаб чиққан “Цивилизациялараро мулоқот халқроқ кун”и номи резолюцияларинг БМТ Бош Ассамблеяси томонидан қабул қилинганига алоҳида эътибор қаратилди.

Ўзбекистон билан Хитойнинг инсон ҳуқуқлари бўйича миллий институтлари ўртасидаги икки томонлама алоқалар изчил ривожланиб бораётгани мамнуният билан қайд этилди. Ҳамкорликни янада чуқурлаштириш мақсадида бир қатор аниқ режалар келишиб олindi. Худди шу санада Хитой Халқ Республикаси Раиси Си Цзиньпиннинг Ўзбек тилида илк бор нашр этилган “Инсон ҳуқуқларини ҳурмат қилиш ва қафолатлаш тўғрисида” номи китоби тақдимоти ҳам бўлиб ўтди. Таъдир Миллий марказ томонидан Хитой Инсон ҳуқуқларини ўрганиш бўйича жамияти, ХХР Адабиётларнинг хорижий тилларда нашр этиш ва тарқатиш ишлари бўйича бошқармаси, Хитойнинг Ўзбекистондаги элчихонаси ҳамкорлигида ташкил этилди. Тақдимотда китоб Хитойнинг инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш масалаларига оид концептуал ёндашувларини очиб берувчи манба сифатида муҳим аҳамиятга эга экани таъкидланди. Ушбу китобнинг Ўзбек тилида нашр этилиши илмий маърифат алмашиш, давлатлараро мулоқотни чуқурлаштириш ва гуманитар ҳамкорликни кенгайтириш учун янги имкониятлар эшигини очиб эътироф этилди.

Шунингдек, ўтган йили 30 июлда Миллий марказда “Замонавий дунёда инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш: Ўзбекистон ва Россия тажрибаси” мавзусида ҳуқуқий кolloквоум бўлиб ўтди. Таъдирда Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий стратегияси ижроси доирасида эришилган ютуқлар ҳақида сўз юритилди. Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш соҳасидаги миллий тажриба, инсон ҳуқуқлари бўйича миллий институтлар фаолиятини янада ривожлантириш истиқболлари, соҳага оид консулчидаги янгиланш ва Ўзбекистон билан Россия ўртасидаги ҳамкорлик масалалари муҳокама қилинди.

Бундан ташқари, 2025 йил 12 сентябрда Миллий марказда Марказий Осиё мамлакатлари — Қозғистон, Қирғизистон, Тожикистон, Туркманистон ва Ўзбекистон бола ҳуқуқлари бўйича вакиллари — болалар омуьдсамалари билан учрашув бўлиб ўтди.

Миллий марказ вакиллари 2025 йилда қўл-лаб мамлакатларда хизмат сафарига бўлиб, муҳим таъдирларда иштирок этди. Хусусан, 21-22 июнь кунлари Туркиянинг Истанбул шаҳрида “Ислоҳ ҳамкорлик ташкилоти дунё ўзгариши шароитида” шiori остида ўтказилган Ислоҳ ҳамкорлик ташкилоти (ИХТ) Ташқи ишлар вазирлиги кенгашининг 51-сессияси шулар сирасига кирди.

Таъдирда ИХТга аъзо давлатлар ташқи ишлар вазирлари, ИХТ раҳбарияти ва тузилмалари, шунингдек, халқроқ ташкилотлар, илмий-тадқиқот марказлари, дипломатик корпус вакиллари иштирок этди. Саммит давомида ИХТ кун тартибидagi долзарб масалалар муҳокама қилинди, Истанбул декларацияси қабул қилинди.

Сессиянинг асосий натижаларидан бири 2025-2028 йилларга мўлжалланган мuddатда ИХТ Инсон ҳуқуқлари бўйича мустақил доимий комиссиясининг тўққиз нафар янги аъзоси сайлови ўтказилганидир. Овоз бериш натижаларига кўра, Ўзбекистон вакили — Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази директорининг биринчи ўринбосари, профессор Мирзатилло Тилабоев уч йил мuddатга ИХТ Инсон ҳуқуқлари бўйича мустақил доимий комиссиясига аъзо этиб сайланди.

Ушбу воқеа Ўзбекистоннинг инсон ҳуқуқлари соҳасидаги халқроқ дипломатияда эгалланган мавқеи тобора ўсиб бораётганини яна бир бор тасдиқлайди ва мамлакатимизнинг кўп томонлама ҳамкорлик, исломий бирдамлик ва асосий эркинликларни ҳимоя қилиш принципларига содиқлигини намойиш этади. Бундан ташқари, бу натижа Ўзбекистоннинг инсон ҳуқуқлари бўйича халқроқ институтлар билан ўзаро ҳамкорлигидаги муҳим босқич бўлиб, ИХТга аъзо давлатларнинг мамлакатда амалга оширилаётган ислохотларга ишончидан далолат беради.

Миллий марказ 2025 йилда халқроқ ва хорижий манбаларда инсон ҳуқуқлари соҳасида Ўзбекистонга доир эълон қилинган маълумот ва ҳисоботларга муносабат билдириш амалиётини давом эттирди. Жумладан, 3 та манба — АҚШнинг Халқроқ диний эркинликлар бўйича комиссияси (USCIRF), “Human Rights Watch” халқроқ ноҳукумат ташкилоти ва Европа Иттифоқи Комиссияси ҳисоботларида баён этилган масалалар юзасидан тегишли идоралар билан ҳамкорликда асосланган шайх ва маълумотлар тайёрланди.

Миллий марказга 2025 йилда БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгаши махсус маърузачиларнинг ҳамда яқна тартибидagi муражаатлар бўйича 74 та ҳужжат келиб тушди. Шулардан 50 та ҳужжат бўйича Махсус маърузачилар ҳамда яқна тартибидagi муражаатларда келтирилган масалалар юзасидан вазирлик ва идоралар томонидан тақдим этилган маълумотлар асосида жавоб хати тайёрланди, тегишли тартибда тақдим этилди.

2025 йил 27 февралда Миллий марказ ва Венгриянинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбуьдсман) ўртасида ўзаро англашув меморандуми имзоланди. Ушбу ҳужжат инсон ҳуқуқлари ҳимоя қилиш соҳасидаги икки томонлама ҳамкорлик учун мустаҳкам ҳуқуқий пойдевор яратиб, шу соҳада қўшма лойиҳа ва дастурларни амалга оширишни кўзда тутади. Бундан ташқари, Миллий марказ билан Тараққиёт ва оид судлов маркази (CDDJ) ўртасида ҳамкорлик меморандуми имзоланди. Ушбу Меморандум инсон ҳуқуқлари соҳасидаги ихтисослашган магистратура ва докторантура талабалари орасида тадқиқот ҳамда таҳлил қилиш кўникмаларини ривожлантириш, адолат ва инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш соҳасидаги мутахассисларнинг касбий салоҳиятини ошириш, инсон ҳуқуқлари бўйича Самарқанд форумини қўллаб-қувватлаш, инсон ҳуқуқларининг долзарб масалалари юзасидан таҳлилий ва услубий материаллар тайёрлашда ҳамкорлик қилиш, жазони ижро этиши тизимини ривожлантиришда халқроқ стандартларни тарғиб қилишга қаратилган.

Мониторинг ва жамоатчилик назорати

Миллий марказ ҳузурида Жамоатчилик кенгаши иш олиб бормоқда. Бу борадаги фаолиятни таъминлашда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 26 августдаги “Фуқаролик жамияти институтларини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони катта аҳамият касб этди.

Янги Ўзбекистонда инсон ҳуқуқлари ҳолати, шу жумладан, инсон ҳуқуқлари бўйича халқроқ ҳужжатлар бажарилишини мониторинг қилишда жамоатчилик назорати ролини ошириш мақсадида давлат органлари ва нодавлат нотижорат ташкилотлари ҳамкорлиги муҳим аҳамиятга эга. Бу борада ҳам БМТнинг инсон ҳуқуқлари бўйича устав органлари ва шартномавий қўмиталари қарорлари ижросини таъминлаш юзасидан доимий мониторинг ва маслаҳатлашувлар амалга оширилмоқда. Айрим мисолларга тўхталамиз.

Биринчи мисол. 2025 йил 12-13 май кунлари “2022-2026 йилларда Ўзбекистон Республикасида Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқроқ пакт қондиларини амалга ошириш бўйича миллий ҳаракатлар режаси”да белгиланган вазифага мувофиқ, Бухоро вилоятидаги ҳудудларда ер участкаларини компенсация эвазига жамият эҳтиёжлари учун олиб қўйиш тартибига риоя қилиш ҳамда аҳолининг

етарли уй-жойга эга бўлиш ҳуқуқи масалалари бўйича кўрилатган чора-тадбирлар юзасидан жамоатчилик мониторингини ўтказилди. Таъдир Миллий марказ ташаббуси билан ташкил этилди.

Тузилган ишчи гуруҳ томонидан “Ер участкаларини компенсация эвазига жамоат эҳтиёжлари учун олиб қўйиш тартиб-таомиллари тўғрисида”ги қонун ижроси ва фуқароларга тўла берилган компенсацияларга оид тегишли ҳужжатлар ўрганилди. Шунингдек, фуқароларни мажбурий кўчирилган ҳимоялаш ва уларнинг муносиб уй-жойга эга бўлиш ҳуқуқини таъминлаш ҳолатини ўрганиш мақсадида ҳудудларда мониторинг ишлари олиб борилди.

Иккинчи мисол. Шундан сал кейин, 23 майда Хотин-қизларни камситишнинг барча шаклларида барҳам бериш тўғрисидаги конвенция қондилари бажарилиши юзасидан Миллий марказ Оила ва хотин-қизлар қўмитаси билан ҳамкорликда Навоий шаҳридаги Ўзбекистон ва Бунёдкор маҳалларида аҳоли ўртасида оилада манший зўравонлик ҳолатлари бўйича хабардорлик даражасини ўрганиш мақсадида жамоатчилик мониторингини ўтказди.

Бундан мақсад — Ўзбекистонда хотин-қизлар ҳуқуқларининг амалга оширилишидаги муаммоларни аниқлаш, уларнинг оид судлов фойдаланиши ҳамда хотин-қизлар ҳуқуқларини ҳимоя қилишда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолиятининг самарадорлиги даражасини ўрганиш. Сўровномада фуқароларнинг аини масалага ёндашуви таҳлил этилди ҳамда бу борадаги муаммоларни бартаф этиш юзасидан тақлиф ва мулоҳазалари ўрганилди.

Учинчи мисол. Ўтган йили 17-18 сентябрь кунлари хотин-қизларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, уларнинг ижтимоий ҳаётда тўлақонли иштирокни таъминлаш ва оиладаги манший зўравонликка қарши курашиш ҳолатини ўрганиш мақсадида Фарғона шаҳридаги “Илтифот” ва “Шодиёна” ҳамда Андижон вилояти Қўргонтепа туманидаги “Юксалиш” ва Абдурахмон Жомий номидаги маҳалла фуқаролар йиғинларида кенг қамровли мониторинг таъдирлари амалга оширилди.

Пекин декларацияси ва Ҳаракатлар платформаси қабул қилинганининг 30 йиллиги доирасида амалга оширилган таъдирда мамлакатимизда хотин-қизлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, манший зўравонликка қарши ҳуқуқий ҳимоя ва ёрдам механизмларини баҳолаш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

Мониторингнинг асосий мақсади — жамият ва оилада хотин-қизларни камситишнинг барча шаклларида қарши курашишда халқроқ меъёрларга асосланган Хотин-қизларни камситишнинг барча шаклларида барҳам бериш тўғрисидаги конвенция (CEDAW) талаблари бажарилиши устидан назоратни мустаҳкамлашдир.

Миллий ва халқроқ маслаҳатлашувлар

Миллий марказ фаолиятида миллий ва халқроқ ҳамкорлик билан маслаҳатлашувлар ўтказиш тажрибаси алоҳида ўрин тутади. Бунга яққол мисол сифатида 2025 йил 6 октябрда Нукус шаҳрида бўлиб ўтган БМТ Хавфсизлик Кенгашининг “Аёллар, тинчлик ва хавфсизлик” тўғрисидаги 1325-сонли резолюцияси қондиларини амалга ошириш бўйича 2026-2030 йилларга мўлжалланган Миллий ҳаракатлар режаси лойиҳасини муҳокамага бағишланган миллий маслаҳатлашувларни келтириш мумкин.

Муҳокамаларда 2022-2025 йилларда амалга оширилган Миллий ҳаракатлар режаси доирасида эришилган ютуқлар сарҳисоб қилиниб, янги давр учун устувор вазифалар белгиланди. Янги ҳужжат аёлларнинг тинчлик жараёнларида фаол иштирокни таъминлаш, уларнинг хавфсизлиги ва ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, шунингдек, гендер тенгликни чуқурлаштиришга қаратилган.

Шунингдек, 2025 йил 3 июлда Миллий марказ томонидан “БМТнинг Ногиронлар ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенциясини Ўзбекистон Республикасида амалга ошириш бўйича 2026-2030 йилларга мўлжалланган Миллий ҳаракатлар режаси” лойиҳасини ишлаб чиқишга бағишланган семинар ўтказилди.

Бундан ташқари, инсон ҳуқуқлари соҳасидаги халқроқ мажбуриятларини амалга ошириш доирасида 2025 йил 4-5 сентябрь кунлари БМТ шартномавий органлари ва алоҳида ҳолатлар бўйича махсус тартиб-қондилари тавсияларини жорий этиш масалаларига бағишланган икки кунлик семинар бўлиб ўтди. Таъдир Миллий марказ томонидан БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича олий комиссари Бошқармасининг Марказий Осиё минтақавий бўлими ва Халқроқ ҳуқуқшунослар комиссияси билан ҳамкорликда ташкил этилди.

Конституциявий суд ва Олий суд судьялари, Адлия вазирлиги, Бош прокуратура, Олий Мажлис Сенати ва Қонунчилик палатаси, Омбуьдсман институти, Адвокатлар палатаси, “Тараққиёт стратегияси” маркази, илмий доиралар, нодавлат нотижорат ташкилотлари, шунингдек, халқроқ ташкилотлар вакиллари иштирокда ўтказилган таъдир доирасида Президентимизнинг Женевада бўлиб ўтган БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгаши 46-сессиясидаги нутқида баён этилган позициясига алоҳида ўрин берилди.

Семинарда БМТ шартномавий органлари мулоҳазаларининг юридик мақоми ва ҳуқуқий табиати, уларни миллий ҳуқуқий тизимга имплементация қилиш йўллари, шунингдек, тегишли халқроқ мажбуриятларни бажаришда Ўзбекистон олдидagi амалий масалалар ва имкониятлар батафсил кўриб чиқилди. Муҳокамалар якунида бир қатор аниқ тавсиялар, жумладан, қисқа ва ўрта мuddатли истиқболга мўлжалланган устувор йўналишларни белгилаш бўйича тақлифлар тайёрланди.

Хулоса қилиб айтганда, 2025 йилда мамлакатимиз, минтақамиз, бутун сайёрамиз миқёсида тинчликни сақлаш, ўзаро ишончини мустаҳкамлаш, маънавият ва маърифатни ривожлантириш, экологини муҳофаза қилиш, шунингдек, илгор инновациялар, замонавий технологиялар ва “яшил иқтисодиёт”ни чуқур таътиқ этиш орқали барқарор тараққийини таъминлаш йўлида том маънода бемисл самараларга эришилди. Ушбу натижаларнинг барчаси муқаррам зот — инсон қадрини улугулашга қаратилган билан ниҳоятда аҳамиятлидир.

# ЎЗГАРИШЛАР ЗАКОВАТ ВА МАСЪУЛИЯТЛИ МЕҲНАТ БИЛАН ЯРАТИЛАДИ



**Холбой ИБРАИМОВ,** Қори Ниёзий номидаги Тарбия педагогикаси миллий институти директори, педагогика фанлари доктори, академик

“Биз ўзгаришларни кутиб ўшмаймиз, аксинча, уларни яшамиз, ўз ақл-заковатимиз ва масъулиятли меҳнатимиз билан яратамиз.” Давлатимиз раҳбарининг Олий Мажлис ва халқимизга йўлаган Мурожаатномасида айтилган бу гап уч минг йиллик тарихда илм-фан, ақл ва заковат билан тамаддун бешигини тебратган аждодларимизга муносиб бўлиш қуввати беради.

Мурожаатномада барча соҳаларда эришилган ютуқлар бирма-бир тилга олингани бежиз эмас, албатта. Биргина илм-фан соҳасини олайлик: халқаро фан олимпиадаларида иштирок этган ёшларимиз 2019 йилда 30 та, 2020 йилда 25 та, 2021 йилда 45 та, 2022 йилда 41 та, 2023 йилда 96 та, 2024 йилда 128 та медални қўлга киритган. 2025 йилда эса бу кўрсаткич салкам икки баробарга ошиб, 29 та халқаро олимпиадада 210 та медал қўлга киритилган. Шундан 40 таси олтин, 78 таси кумуш ва 92 таси бронза. Бу натижалар эса заминимизда Беруний, Хоразмий, Ибн Сино, Аҳмад Фарғоний, Имом Бухорий, Мирзо Улугбекдек улуғ аждодларга муносиб авлод улғаяётганига ишора қилади. Юқоридаги натижалар шунчаки статистика эмас, балки мамлакатимизда таълим тизимида олиб борилган ислохотлар, яратилган имкониятлару тинимсиз меҳнат ва илганлишлар мевасидир. Утган йили спортда, хусусан, футбол, шахмат, бокс, параспордта

эришилган ютуқлар бутун дунёга Ўзбекистонликлар ўрганишдан кўра кўпроқ ўргатишга қодир эканини яққол намойён этди, десак муболага бўлмайди. Биргина шахмат ўйинларини олайлик, 2025 йилнинг 26 ноябрь куни Жавоҳир Синдоров Ҳиндистоннинг Гоа шаҳрида якунига етган шахмат бўйича Жаҳон кубоги ғолибигини қўлга киритди. Ушбу нуфузли мусобақада дунёнинг турли мамлакатларидан 200 нафардан ортқ шахматчи бош соврин учун кураш олиб борди. Жавоҳир Синдоров беллашувларнинг финалига қадар етиб келди. Ҳал қилувчи баҳсда хитойлик спортчини маглубиятга учратди ва Жаҳон кубоги соҳибига айланди.

Ўзбекистон келгуси йили 46-Бутунжаҳон шахмат олимпиадасига, 2027 йилда 20 ёшгача бўлган футболчилар ўртасидаги жаҳон чемпионатига, 2029 йили эса Ёшлар Осиё ўйинларига мезбонлик қилиши ҳам халқаро ҳамжамиятда ўрнимизни янада мустақамлашга хизмат қилади.

Нафақат куч ва жасоратда, балки илм олиш, эгаллаган билимларини ҳаётга тағбиқ этишда спортчилардан қолшимайдиган ўғил-қизларимизнинг Оксфорд, Гарвард, Кембриж каби дунёнинг нуфузли олийгоҳларига ўқишга грант асосида қирайтиши таълим ва тарбия соҳасида амалга оширилаётган ислохотларнинг яққол натижасидир.

2026 йилда юртимизда илк бор мактаб ўқувчилари ўртасида нуфузли халқаро кимё ва информатика олимпиадалари, Шанхай ҳамкорлик ташкилотига аъзо давлатлар талабалари ўртасида муҳандислик йўналишларида, Туркий давлатлар техникумлари ўқувчилари ўртасида касб йўналишларида халқаро олимпиадаларда юртимиз ёшларининг иштироки этишини эшитиб жуда қувондим.



Бугун замон шиддат билан ривожланмоқда. АТ, сунъий интеллект таълим, тиббиёт, саноат, қурилиш, иқтисод каби соҳаларда кенг қўлланилмоқда. Институтимизда Миллий тарбиянинг рақамли педагогик таъминоти илмий-тадқиқот бўлими томонидан мактабгача таълим жараёнининг методик таъминоти ҳамда мактабда ўқитиладиган барча фанларда тарбиявий жараёнларни рақамли контентлар ва технологиялар билан бойитишга қаратилган илмий, ўқув-методик ишланмалар амалиётга

тағбиқ этилмоқда. Ушбу методик тавсиялар асосида ёшлар таълим-тарбиясига бағишланган подкаст, видеоконтент сценарийлари, тарбия ва таълимни бир мақсад атрофида рақамлаштириш орқали самарадорлик ҳамда сифатини оширишга қаратилган методикалар ишлаб чиқилмоқда. Ота-оналар, ўқитувчи ва ўқувчилар учун ёшлар тарбиясига оид замонавий қизиқарли маълумотлар, янгиликлар ҳамда рақамли контентлар “milliytarbiya.uz” электрон платформаси ва унинг мобил версиясига жойлаштириб борилапти.

## Маҳалла — кичик ватан

Биз — бугун 38 миллионли катта халқмиз. Машаққатли ва шарафли меҳнатимиз билан дунёда ҳурмат топаётган, эртанги кунга ишонч билан дадил бораётган, матонатли ва гурури билан миллатимиз. Ўзбекистон Қаҳрамони Иброҳим Ғафуров таъбири билан айтганда, миллатларнинг шаклланиши ва юзага чиқиши жуда-жуда узок ва ҳатто кўз илғамсиз жараёнларда кечади. Бу жараёнлар ҳеч қачон тўхтамайди.

Ўзбекистон аҳолисининг катта қисmini ёшлар ташкил этиши барчага маълум. Аҳоли йилига ўртача 2 фоизга ўсиб бораётган айни вақтда 1 миллиондан зиёд ўғил-қизларимиз катта ҳаётга кириб келмоқда. “Бир болага етти қўшни ота-она”, “Ватан остонадан бошланади” каби ўзбек халқ мақолларида фарзанд тарбиясига нафақат ота-она, оила аъзолари, балки бутун бир маҳалла масъуллиги таъкидланади.



УШБУ МАҚОЛАНИ ҚОРАҚАЛПОҚ ТИЛИДА ҲАМ ЎҚИШ УЧУН QR-КОДНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ!



2026 йил 17 январь, 11-сон

## Илғор ғоялар — салмоқли инвестиция дегани

Мурожаатномада таъкидланганидек, мамлакатимизда янги ғоялар ва инвестициялар шариқти яратиш учун инновацион ҳаёт ташкил қилинади.

Тошкент шаҳри, Бухоро, Фарғона ва Тошкент вилоятларида 4 та “Дата марказ”, 2 та суперкомпьютер ва 15 та олийгоҳда сунъий интеллект лабораторияси ташкил этилиши ҳам мазкур соҳа жадаллик билан ривожланаётганига далolat беради.

Жорий йилда 7 та вилоятда, 2027 йилда эса қолган ҳудудларда Илғор касбий маҳорат техникуми ва “Касблар шаҳарчаси” фаолияти йўлга қўйилди.

Тиббиёт тизимида ҳам касбий таълимни ривожлантириш учун Буюк Британиянинг “Pearson” компанияси билан ҳар бир ҳудудда биттадан техникумда халқаро стандарт асосида ҳамширалар тайёрлаш бошланди. Ана шу техникумларга Германия, Швейцария, АҚШ, Япония каби давлатларнинг таълим дастурлари жорий этилди.

Шу асосда халқаро талабаларга жавоб берадиган, хорижий тилларни билидиган ҳамширалар таркиби шакллантирилади. Ҳозирги вақтда янги технологиялар, рақамлаштириш ва сунъий интеллект таъсирида дунёда иш ўринларининг сони, шакли ва мазмуни кескин ўзгармоқда. Шу боис, жорий йилдан бошлаб ҳар йили камида 100 тадан техникум тўлиқ таъмирланиб, технологик ва талаб юқори бўлган касбларга мослаб жиҳозлаб борилади. Германия, Швейцария, Буюк Британия, Хитой, Корея каби давлатларнинг илғор таълим дастурлари жорий қилинган техникумлар сони 100 гага етказилди.

Бугун институтимизда ҳам ёш олимлар АТ ва сунъий интеллект доира мавзуларида илмий тадқиқот ишларини олиб бормоқда. Келгусида таълим жараёнида АТ ва рақамли технологияларни дарс жараёнига тағбиқ этишини самарали юстириш, усуллари ва технологияларини ишлаб чиқиш ҳамда уларни амалиётга тағбиқ этишни мақсад қилиб қўйганмиз. Бунинг учун имкониятлар етарли. Улардан самарали фойдалана олсак бас.

## Мулоҳаза

Глобаллашувнинг ижобий томонлари билан мавжуд. Айтايлик, бугунги кунда жамият олдида турган энг жиддий муаммолардан бири — гиёҳвандликнинг интернет тармоқлари орқали ёшлар ўртасида тарқалишидир.



## Уни йўқотиш эса ўзимизга боғлиқ

содир этгани барчамизни жиддий ўйлантириши кераклигини таъкидлагани бежиз эмас. Гиёҳвандликнинг аҳоли, айниқса, ёшлар ўртасида тарқалиши келажак учун хавф. Шундай экан, нима қилмоқ керак?

Фикримизча, ёшларни ушбу иллатдан асрашнинг энг муҳим омилларидан бири уларда аниқ ва мустақам ҳаётий мақсадни шакллантиришдир. Бу орқали улар ўзлари учун ким бўлишни, нимани орзу қилишни ва қайси йўлдан боришни белгилаб олади.

Мутахассислар гиёҳвандлик воситалари, шу қатори психотроп моддаларга ружу қўйишнинг асосий сабаблари сифатида қуйидагиларни келтиради:

- ота-она назоратининг сустлиги;
- бўш вақтни мазмуни ташкил этмаслик;
- ёмон муҳит ва салбий дўстлар таъсири;
- ҳуқуқий ва маънавий билимлар етишмаслиги;
- ҳаётий мақсад аниқ эмаслиги.

Қўллаб-даватларда ёшларнинг гиёҳвандликка ружу қўйишининг олдини олиш ва унга қарши курашишда ўзинга хос чоралар кўрилади. Масалан, Японияда бу иллатга

қарши чоралар тўртта стратегик мақсадга қаратилган. Яъни унга кўра, ёшлар ўртасида гиёҳвандликни тугатиш ва ҳуқуқий-меъёрий онгни кучайтиришга, гиёҳванд моддаларга қарам шахсларни доволлаш ва уларни жамиятга қайта мослаштиришни қўллаб-қувватлаш ҳамда яна гиёҳвандликка қайтишининг олдини олишга, ноқонуний гиёҳванд моддалар савдоси билан шуғулланувчи ташкилотларни тугатиш, истеъмолчилар устидан қатъий назорат ўрнатишга, чегараларда гиёҳванд моддаларни олиб киришни тўсиш ҳамда халқаро ҳамкорликни ривожлантиришга катта эътибор қаратилади.

Шунингдек, ёшлар ўртасида гиёҳвандлик моддаларининг тарқалишини профилактика қилиш мақсадида мактабларда алоҳида дарслар ташкил этилади. Тегшли ҳуқуқ-тартибот органлари томонидан машгулотлар олиб борилади.

Швейцарияда эса бу сисётат гиёҳванд моддаларнинг ишлатишни ва унинг фойдаланувчилар ҳамда жамият учун салбий оқибатларини камайтиришга қаратилган. Ушбу сисётат тўрт босқичга асосланган: профилактика, терапия, зарарларни камайтириш ва жазони

қўллаш. Гиёҳвандликка қарши курашиш борасида алоҳида “Гиёҳвандликсиз ёшлар уюшмаси” ташкил этилган. Мазкур ташкилот ёшлар ва уларнинг оилаларига маълумот, таълим ва қўллаб-қувватлаш хизматлари билан ёрдам беради.

Мамлакатимизда ушбу иллатга қарши курашиш масаласида жуда кўп ишлар олиб боришмоқда. Масалан, давлатимиз раҳбарининг 2025 йил 3 ноябрдаги “Аҳоли саломатлиги ва миллат генотипини гиёҳвандлик ва наркоманиялардан самарали ҳимоя қилиш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармони ҳамда Ўзбекистон Республикасида гиёҳвандлик ва наркоманияларга қарши курашиш бўйича 2024-2028 йилларга мўлжалланган миллий стратегия бу борада муҳим аҳамият касб этади. Белгиланган вазифаларга кўра, гиёҳвандлик ва уюшган наркоманиячиликка қарши курашишни сифат жиҳатидан янги босқичга олиб чиқиш орқали аҳолини, биринчи навбатда, ёшлар саломатлиги ҳамда миллат генотипининг самарали ҳимоя қилиш бўйича комплекс чора-тадбирлар қўриллапти.

Мурожаатномада “Ким бу вазифа фақат ҳуқуқ-тартибот идораларининг иши, деб

ўйласа, хато қилади. Юртимиздаги ҳар бир бола, ҳар бир ёш — бизнинг фарзандимиз, уларни гиёҳвандлик чангалига ташлаб қўйишга асло йўл қўймаймиз.

Гиёҳвандликни тағ-томири билан буткул йўқотиш, ёшларимизга кучли маънавий-руҳий иммунитетни шакллантириш бўйича барча куч ва имкониятларимизни сафарбар қиламиз.

Бу — Президентнинг топшириғи, бу — ота-оналарнинг хоҳиш-истағи, бу — жамиятнинг талаби!”, дея таъкидланди.

Албатта, ёшлар ўртасида гиёҳвандликнинг олдини олиш учун тизимли ишлар олиб борилиши керак. Аввало, фарзандларнинг бу каби зарарли иллатлардан узоқ юриши, албатта, оилада энг муҳим мақсад. Ёшларни турли зарарли иллатлардан, жумладан, гиёҳвандликдан асрашда оиланинг ўрни бекиёс. Ота-оналар фарзандлари билан доимий очиқ мулоқот қилишни, уларнинг дардини эшитишни одатга айлантириши керак. Қачонки, фарзанд ота-онани фақат назорат қилувчи эмас, балки ишончли таянч ва маслаҳатчи

сифатида қабул қилса, у муаммоларига ечимни кўчадан ёки ногўғри муҳитдан эмас, ўз оиласидан излайди.

Иккинчидан, ёшлар ўртасида таълим муассасаларида амалиётчи ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ходимлар иштирокида доимий ва мунтазам профилактика олиб бориш зарур. Таълим муассасаларида гиёҳвандликнинг зарарлари ҳақида очиқ мулоқотлар, учрашувлар, давра суҳбатлари ташкил этилиши лозим.

Учинчидан, давлатимиз томонидан спорт ва маданият ёшлар орасида кенг тарғиб қилиш даркор. Бу борада спорт тўғрақлари, ижодий студиялар, китобхоналик клублари — ёшларни соғлом ҳаётга етакловчи энг тўғри йўлдир.

Тўртинчидан, жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни ошириш орқали гиёҳвандлик учун қонунчиликда белгиланган жавобгарликни ёшларга содда ва аниқ тушуинтириш муҳим. Хусусан, бу борада Азия вазирлиги томонидан доимий ташкил этилаётган ва самарали натижа бераётган ҳуқуқий тарғибот тадбирларини янада фаоллаштириш мақсадга мувофиқ. Бинобарин, ёшлар мамлакат таянчи, миллат келажак. Улар соғлом, билимли ва маънави баркамол бўлсагина, жамият тарқайди. Шу боис, гиёҳвандликка қарши курашиш фақат ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг эмас, балки бутун жамиятнинг умумий вазифасига айланоғий шарт.

Ёшлар, айниқса, вояга етмаган шахсларнинг гиёҳвандлик воситаларини истеъмол қилишининг олдини олиш, шунингдек, бошқаларни ҳам бунга жалб қилганларни жазолашдан кўра, аввало, оғоҳлик чораларини кўриш муҳим аҳамиятга эга. Хусусан, гиёҳвандликка чалинган, жиноят содир этганлар мажбурий амбулатория кузатувида бўлиши ёки нарколоп мутахассис томонидан доволлаш чорасини қўллаш яхши самара бериши мумкин. Шу билан бирга, омвий аҳборот воситалари ёрдамида тарбиявий, тушуинтириш ишларини олиб бориш ҳам жуда муҳим аҳамиятга эга.

# 19 январь – Маҳмудхўжа Бехбудий туғилган кун

# СУНЪИЙ АҚЛ:

# ЖАДИД ҚАЛБИДАН ЧИҚҚАН ИЛК ҲАЙҚИРИК

Юртимиз тараққиётининг сўнгги тўққиз йиллик даврида жадидаларга муносабат давлат сиёсати вазири бўлиб қўрилди. Улар фаолиятини ўрганиш, номларини тиклаш, ишларини давом эттириш ҳамда армонларини рўёбга чиқариш борасида қатор салмоқли вазифалар бажарилди. Хусусан, Президентимизнинг “Туркистон жадиблик ҳаракатининг асосчиси, атоқли адиб ва жамоат арбоби, ношир ва педагог Маҳмудхўжа Бехбудий таваллудининг 150 йиллигини кенг нишонлаш тўғрисида”ги қарори бу борадаги сўб-ҳаракатларни мутлақо янги босқичга олиб чиқди.



**Ҳалим САИДОВ,**  
Ўзбекистон Журналистика ва оммавий коммуникациялар университети профессори, филология фанлари доктори

англр ақл бер! Ох, у эзулар қандай эканлар? Биз ҳам худданимиз? Ох, қадар анбиё, авлиё, машоҳирлар келиб, биз — инсонлар учун шариятлар, тариқатлар, маърифатлар ваъз этиб, бизни ҳақиқатга даъват этиб эканлар. Биз, гумроҳлар йўлдан чиқиб, ҳазиси нафсониятга куллини (буткул) чўмубиз. Букун ўзларини маданият ва инсониятни(нг) энг олий табақасинда деб ёлғондан даъво этадурган инсонлар ваҳшониятни(нг) энг асфал (тубан)

даражасида қўл ва аёқ урларлар. Миллиёнлар ила бани одамнинг боиси қулфати ва мусибати бўлурлар.

Эй Оллоҳи азим уш-шай! Бу магар санинг газабингмидур? Афв эт, биз, инсонларни ҳидоят эт! Ер юзидида сулҳ ва салоҳи умумий ато айла, инсонларга инсоният бер! Золимларга қаҳр эт, маҳв бўлсун зулм, яшасин адолат ва ҳаққоният, омин...”

Бу дуо — муножот шаклидаги матн Маҳмудхўжа Бехбудий тафаккурининг энг теран кирраларини очиб беради. У фақат диний илтижо эмас, балки иқтисодий, сиёсий ва маънавий баёнотдир. Унинг бугунги аҳамиятини бир неча ракурсда таҳлил қилиш мумкин.

Бехбудий Яратгандан мол-давлат ёки куч-қудрат эмас, балки басират, яъни ҳақни кўра билиш қобилиятини ато этишини сўрайди. Бу жуда муҳим жиҳат. Алломанинг фикрича, инсоннинг асосий фожиаси жаҳолати эмас, балки англамай туриб даъво қилиши, яъни кўзи бўла туриб кўрмаслиғидир. Ҳозир ҳам шундай — ахборот кўп, лекин унинг моҳиятини англайдиганлар кам. Шу маънода, Бехбудийнинг “эшитар қулоқ, англр ақл” ҳақидаги тилаги нафақат ХХ, ҳатто ХХI асрда ҳам инсоният учун энг долзарб аҳамиятга эга.

Жадидалар йўлбошчисининг “ўзларини маданият ва инсониятни(нг) энг олий табақасинда деб ёлғондан даъво этадурган инсонлар...” деган маломати бугун янада оғир янграйди. Замонавий қурооллар, технологиялар,



**“ БЕХБУДИЙ ЯРАТГАНДАН МОЛ-ДАВЛАТ ЁКИ КУЧ-ҚУДРАТ ЭМАС, БАЛКИ БАСИРАТ, ЯЪНИ ҲАҚНИ КЎРА БИЛИШ ҚОБИЛИЯТИНИ АТО ЭТИШНИ СЎРАЙДИ.**

миллатчилик, сохта демократия шиорлари ортида урушлар, қиргинлар, иқтисодий зулм яшириниб турибди.

Демак, Бехбудий маданиятни ахлоқдан узилган тараққиёт сифатида кўради ва буни инсоният учун энг хавфли ҳолат деб баҳолайди. Бугунги глобал дунё тартиби ҳам айнан шу муаммо билан юзма-юз турибди. Унинг “ҳазиси нафсониятга куллини чўмубиз” деган фикри айбни, аввало, ўзимиздан қидиришга даъват. Шунингдек, “Душманин ланъатлашдан олдин жамиятингни уйғот, муаммоларга ечим топ” қабилида билдирилган жадидаларга хос позициядир. Бунинг учун виждон амрига бўйсуниб, адолатни биринчи ўринга қўйиш керак. Шу жиҳатдан Бехбудий инсонни ташқи душмандан олдин ички душманга — нафсга қарши курашга чорлайди.

Бугунги ёшлар сунъий ақл ёрдамида янгиликлар яратишга ҳаракат қилмоқда. Биз эса сунъий идрокка жадидаларнинг умумий маф-

курасида Бехбудийдан олинган мазкур фикр (матн)нинг ўрнини очиб бериш топширигини бердик. Ажиб жавоблар олинди. Қисқартириб келтирамиз:

“Бу фикрга жадиблик мафкурасида марказий руҳий-ғоявий ҳужжат сифатида қаралиши мумкин. У жадидаларнинг нима эканини эмас, балки нега пайдо бўлганини энг очиқ ва оғриқли тарзда ифода қилади. Қўйида фикрнинг жадиблик умумий мафкурасидаги ўрнини аниқ ракурсларда кўриб чиқамиз.

Биринчидан, жадиблик, аввало, маънавий исён. Уни кўпинча янги мактаб, янги алифбо, маъбуот, театр доирасида чеклаб қўйиладди. Аслида, булар сабаб эмас, восита. Ушбу матнда жадиблик — маънавий исён, инсоннинг жаҳолатга, сукутга, кўнкулган зулмга қарши ичидан кўтарилган фарёди экани яққол сезилади.

Бехбудий муножоти — жадид қалбидан чиққан илк ҳайқирик.

Иккинчидан, жадид мафкурасида дин сукут эмас, ҳаракатни билдиради. Бунда жадидаларнинг динга муносабати жуда аниқ-тиниқ очиб берилган. Жадидалар динни инкор қилмайдди, лекин уни музтабиб қўйишга ҳам қарши. Бехбудийнинг илтижосида шарият, тариқат, маърифат, ҳақиқат занжир келтирилади. Бу тасниф жадибликдаги исломий модернизм асосидир.

Учинчидан, “айбни ўзимиздан қидириш” тушунчаси — жадид тафаккурининг меҳвари. Матнда “биз, гумроҳлар йўлдан чиқиб...” деган жумла бор. Бу жуда муҳим. Жадиблик ҳамма бало сабабини фақат мустамаккада кўрмайди, балки ички жаҳолат, кўрқув ва нафси асосий фожиа деб билади. Шу жиҳатдан ҳам бу матн жадид мафкурасида ўзини ўзи танқид қилиш маданиятини кучайтиради.

Тўртинчидан, жадидаларнинг глобал қароши масаласи. Бехбудий фикри фақат Туркистон ҳақида эмас. У дунё бўлиб ойнаётгани, маданият ниқобидаги ваҳшийлик, миллионлаб инсонлар фожиаси ҳақида сўзлайди.

Демак, жадиблик фақат маҳаллий изоҳот эмас, балки умуминсоний адолат ғоясига боғлиқ ҳаракатдир. Ушбу матн жадидаларнинг дунёқарошини глобал ахлоқий позиция даражасига олиб чиқди.

Бешинчидан, бу матнда жадидаларнинг виждон ақли эканлиги. Жадидаларнинг яхлит тизим сифатида тасаввур қилсақ, мактаб — унинг ақли, маъбуот — тили, театр — кўзи, сиёсий фаоллик — қўли бўлса, бу матн виждондир. Унда йинги ва мунг бор, айбон бор, илтижо бор, умид бор. Жадидалар айнан шу руҳда ҳаракатда бўлган.

Яқуний хулоса шуки, бу матн жадиблик мафкурасида дастур эмас, қонун эмас, лекин руҳий асос, ахлоқий ўзақ, ҳаракатга келтирувчи оловдир. Агар жадидаларни тушунмоқчи бўлсак, уни шу муножотни таҳлил қилишдан бошлаш керак. Чунки жадиблик, аввало, Яратган олдида ҳам, тарих олдида ҳам жавобгарлик ҳиссиидир.”


Батзи камчиликларни ҳисобга олганда, сунъий ақл жадиблик ғоялари ҳақида мантиқли ва жуда таъсири хулоса бермоқда. Уларни бойитиш учун бу борадаги янги тадқиқотларни тармоқларга мунтазам киритиб боришимиз навбатдаги вазифалардан.

Халқимизда дунёқарошни кенгайтириш учун кўп ўқиш ёки дунё кезишга доир турли мақоллар, ҳикматлар мавжуд. Исломи оламида “Ўқиш ақлни бойитар, сафар эса қалбни” деган нақл кенг тарқалган. Японлар орасида “Китоб — уйдаги устоз, сафар — йўлдаги устоз”, инглизларда эса “Ўқиман саёхатчи кўради, ўқигани англайди” деган мақоллар машҳур.

Маҳмудхўжа Бехбудий бу икки юмуш — ўқишни ҳам, саёхатни ҳам мукамал бажаришга ҳаракат қилган. 1899 йилдаги илк сафари унинг дунёқарошини буткул ўзгартириб юборгани ўз даврида эътироф этилган. Аллома бу саёхати ҳақида алоҳида мақола ёзмаган бўлса-да, 1914 йилдаги сафари таассуротларини “Обиана” журналининг бир неча сонидида чоп эттирган.

Шарқнинг Европа мустамаккаси айлантирилган, Марказий Осиёнинг чор Россияси томонидан маҳв этилиши оқибатини кўриб, гегемон давлатларнинг мақр, зулм ва ёлғон асосига қурилган сиёсатидан юраги зада бўлган Бехбудий Ақсо масжиди зиёрати давомида барча пайгамбарларни ёдга олиб, Яратганди бундай муножот қилади:

“Илоҳо! Бу азиз ва фаёл бандаларинг ҳурматидан бизга басират бер! Эшитар қулоқ,



## Муносабат

Президентимизнинг Олий Мажлис ва Ўзбекистон халқига Мурожаатномасида ўтган йилги натижалар ҳолисона таҳлил қилиниб, мамлакатимизнинг иқтисодий, ижтимоий ва маънавий ривожланиши учун муҳим вазифалар белгилаб берилди. Ҳужжат мазмунини тарбиянинг маҳалладан бошланишидан иқтисодиёт, таълим сифатини ошириш, илм-фан, маданият ва космик тадқиқотларга бўлган масалаларни қамраб олган. Шу ўринда мактаб кутубхоналарининг ҳар йили 10 миллион дон бадий адабиёт билан таъминланиши ҳамда илк ўзбек фазогирининг космосга учурилиши мантиқий боғлиқдай туюлди...



**Маҳмуда ИСАБОВА,**  
журналист

адабиёт, мутафаккирлар ҳаёти ва ижоди ҳақида берилаётган маълумот ва эслатмалар ҳам кенг жамоатчилик, хусусан, ёшларнинг дунёқарошини бойитишга ҳисса қўшапти.

Шунингдек, наشريётлар ва китоб дўконларига берилаётган имтиёزلар, замонавий босмахоналар ташкил этилиши, электрон китоблар ва аудиокитоблар тайёрлаш тизими

ривож ҳам китоб тарғиботини кучайтирди. Айниқса, рақамли технологиялар ёрдамида китобга осон етиб бориш имконияти яратилгани нодир ёки қимматбахо китобларнинг ҳам олиб ўқилишини осонлаштирди. Бу китобхонлик тарғиботи мамлакатимизнинг чекка ҳудудларида ҳам кенг қулоқ ейганини билдиради.

Энг муҳими, бу ишлар ёшларни маънавий баркамол, мустақил фикрлайдиган, ватанпарвар ва билимли инсонлар этиб тарбиялашга қаратилган. Чунки китоб инсон тафаккурини чархлайдиган, эзуликка етаклайдиган энг ишончли манба. Шу бос, китобхонликни ривожлантириш нафақат маданий, балки стратегик аҳамиятга эга.

Ҳозир мамлакатимизнинг ҳар бир шаҳри ва туманида ахборот-кутубхона марказлари самарали фаолият юритмоқда. Улар аҳолининг ахборотга эҳтижини таъминлаш, фуқароларга тезкор, ишончли ва замонавий ахборот манбаларини тақдим этишда муҳим ўрин тутди. Кутубхоналар нафақат аънанавий китоблар орқали, балки электрон ресурслар, рақамли маълумотлар базалари, интернет хизматлари орқали ҳам китобхонларга кенг имконият яратяпти.

Албатта, соҳа ривожига кадрлар масаласи ҳам алоҳида аҳамият касб этади. Бугун кутубхоначиликни замон талабларига мос равишда ривожлантириш учун малакали, билимли ва ташаббускор кадрлар тайёрлаш устувор

# МАКТАБЛАРГА 10 МИЛЛИОН КИТОБ



вазифалардан. Президентимизнинг 2019 йил 7 июндаги “Ўзбекистон Республикаси аҳолиси ахборот-кутубхона хизмати кўрсатишини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги қарори ҳам бу масала алоҳида қайд этилган. Унинг ижроси доирасида олий маълумотли, замонавий ахборот-коммуникация технологияларини пухта эгаллаган мутахассислар тайёрланиб, соҳа тараққиёти учун мустаҳкам пойдевор қўйилмоқда.

Дунёнинг қиёфаси ўзгарди. Аҳолига қулайлик яратиш учун ҳамма жабҳа рақамлаштирила бошлади. Демак, ушбу соҳага ҳам инновацион фикрлайдиган, таҳлил қила оладиган, ахборот билан ишлаш маданиятига эга, замонавий хизмат турлари ва илгор тажрибалардан хабардор янги кадрлар керак. Бу эса кутубхоначилик тизимининг сифат жиҳатдан янги босқичга кўтарилиши, аҳолига кўрсатилаётган

ахборот хизматлари сифатининг ошишига олиб келади.

Гапимни кутубхоналарга етказиш режалаштирилган 10 миллион китоб ва биринчи ўзбек космонавтининг космосга нобориш учун тайёргарлик кўрилатганидан бошлаган эдим. Назаримда, китоб ва китобхонликка эътибор билан космосга учиб ўзaro боғлиқ, Мамлакатимизда китоб тарғиботи ҳозиргидай давом этар экан, биз космосга кўтарилибгина қолмай, Мирзо Улуғбек бобомиз бошлаб берган космик тадқиқотларни давом эттирариз ҳамда бу борада оламшумул кашфиётлар қиламиз.



ГАЗЕТАДАГИ МАТЕРИАЛНИ ЛОТИН ЁЗУВИГА АСОСЛАНГАН ЎЗБЕК АЛИФБОСИДА ЎҚИШ УЧУН МАЗКУР QR-КОДНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ.

“Янги Ўзбекистон” ва “Правда Востока” газеталари таҳририяти) ДМ  
МУАССИС:  
Ўзбекистон Республикаси  
Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир:  
**Салим ДОНИЁРОВ**

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.  
Газетанинг етказиб берилиши учун обуюани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.  
Газета таҳририят компьютер марказида саҳифаланди.  
Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “ШАРҚ” НМАК масъул.  
Босмахона телефони: (71) 233-11-07.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 13 январда 1047-рақам билан рўйхатга олинган.  
**Нашр индекси** — 236. **Буюртма** Г-146.  
32015 нусхада босилди.  
**Ҳажми** — 3 табоқ. **Одсет** усулида босилган. **Қоғоз бичими** А2.  
Баҳоси келишилган нарҳда.

“ШАРҚ” наشريёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.  
Босмахона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Навбатчи муҳаррир: Баҳор Хидирова  
Мусаҳҳиш: Акбар Қаршиев  
Дизайнер: Хуриш Абдуллаев  
Манзилнинг: 100060, Тошкент шаҳри, Шаҳрисабз кўчаси, 85-уй  
ЎЗА яқуни — 21:15 Топширилди — 22:50